



230100, Nukus shahri, Dosnazarov ko'chasi, 62-uy
Tel.: 0 (361) 222-24-37, 222-95-20, faks: 222-98-30
web-site: www.kkedu.uz, e-mail: mno.rk@exat.uz

230100, Nókis qalasi, Dosnazarov kóshesi 62-úy
Tel.: 0 (361) 222-24-37, 222-95-20, faks: 222-98-30
web-site: www.kkedu.uz, e-mail: mno.rk@exat.uz

« 17 » декабрь 2021-й.

№ 01-01/9-5697

« _____ »-_____ 2021-j.

Қорақалпоғистон Республикаси
Вазирлар Кенгашига

Сизнинг 2021 йил 16 декабрдаги 3/2080-сонли хатингизга:

Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги Сизга, вазирликнинг 2022 йилда амалга ошириладиган вазифалар ва эришиладиган мақсадли кўрсаткичлар бўйича маълумотларни иловага мувофиқ тақдим этмоқда.

Илова ___ варақда.

Вазир

Р.Реимов

Ижрочи: А.Даўлетбаев
Тел: (61) 222-52-25



Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги
Реимов Рустем Мамбеткаримович
КАФОЛАТ ХАТИ
(2020-йил 18-декабрдан буён вазир)

I. 2021-йилда кутилаётган асосий натижалар

Биринчи – Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими тизимида давлат дастурлари асосида жами **47 та** умумтаълим мактабларида қурилиш-таъмирлаш ишлари тўлиқ якунланиб, фойдаланишга топширилди.

22 та мактабларнинг моддий-техник базасини мустақкамлаш ва жиҳозлаш бўйича 1-4-синфлар учун 144 та синф комплект ва 5-11-синфлар учун 249 та синф комплект, муסיқа маданияти хонаси учун 14 та синф комплект, махсус синфлар ва лаборатория хоналари учун 92 та синф комплект, маъмурий-методик хоналари учун 125 та комплект, 15 та мактабга 1395 ўринли мажлислар зали учун жиҳозлар, 14 та мактабга 556 ўринли ошхона ва буфет учун жиҳозлар ҳамда 2 та мактабга 310 ўринли ётоқхона учун керак бўлган жиҳозлар билан тўлиқ таъминланди.

Иккинчи – 2020/2021-ўқув йилида Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги тасарруфидаги 726 та мактабнинг 44 тасида 8 йўналиш бўйича жами 1289 нафар ўқувчилар танлов синфларида таълим олдди ва 11-синфни 846 нафар ўқувчи тамомлаб, ўларнинг 407 нафари (49,9%) олий таълим муассасаларига ўқишга кирди.

Умумтаълим мактабларида вариатив ўқув режа асосида танлов синфларин ташкил этиш бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг беш йилга мўлжалланган “Келажак режаси” тасдиқланди.

Тасдиқланган “Келажак режаси” га мувофиқ, 2026 йилгача жами 470 та мактабда танлов синфларин ташкил этиш белгиланган.

Учинчи – Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-4708, ПҚ-4805-, ПҚ-4851-, ПҚ-5032-, ПҚ-5117-сон қарорлари асосида Қорақалпоғистон Республикасида 2021 йили 4 та математика фанига, 4 та кимё ва биология фанларига, 7 та информатика ва ахборот технологиялари фанига, 1 та физика фанига ва 17 та чет тилларига ихтисослаштирилган давлат умумий ўрта таълим мактаблари ташкил этилди.

II. 2022-йилда амалга ошириладиган долзарб вазифалар

Биринчи – Қорақалпоғистон Республикаси халқ таълими тизимидаги жами **23 та** умумтаълим мактабларини (2 та янги қурилиш, 10 та реконструкция ва 11 та мукамал таъмирлаш) қурилиш-таъмирлаш ишлари амалга ошириш режалаштирилган.

Иккинчи – 2021/2022 ўқув йилида вариатив ўқув режа асосида **73 та** мактабда **11 та** йўналиш буйича жами **122 та** синфлар ташкил этилиб **3060** нафар ўқувчи таълим олмақда.

Учинчи – 2022 йили ПҚ-4708-сонли қарор асосида 4 та математика фанига, ПҚ-4805-сонли қарор асосида 2 та кимё ва биология фанларига, ПҚ-4851-сонли қарор асосида 5 та информатика ва ахборот технологиялари фанига ихтисослаштирилган давлат умумий ўрта таълим мактаблари ташкил этиш режалаштирилмоқда.

(Қафолат хатига тегишли ҳисобовлар электрон тарзда илова қилинади)

Халқ таълими вазири



Р.Реимов